

ЎАСИН ВА ДУХОН СУРАЛАРИ ФАЗЛИ

05:00 / 23.01.2017 5974

ЎАСИН ВА ДУХОН СУРАЛАРИ ФАЗЛИ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Ҳар бир нарсанинг қалби бор. Қуръоннинг қалби Ўасиндир. Ким Ўасинни қироат қилса, Аллоҳ унга бу қироати учун Қуръонни ўн марта қироат қилган(савоби)ни ёзади», дедилар»**. Термизий Ва Байҳақий ривоят қилган.

Шарҳ: Ўша ўн марта қироатда Ўасин бўлмайди.

Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ўасин Қуръоннинг қалбидир. Ким уни Аллоҳни ва охират кунини умид қилиб ўқиса, албатта, мағфират қилинади. Уни ўликларингизга ўқинглар»**, дедилар».

Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Ўасинни кечаси Аллоҳнинг розилиги талабида ўқиса, уни мағфират қилинади»**, дедилар». Молик ва Байҳақий ривоят қилган.

Шарҳ: Ўасин сураи шарифасининг фазли ҳақида кўпгина ҳадислар ривоят қилинган. Уларнинг аксариятида Ўасин сураси Қуръоннинг қалби экани таъкидланган. Шунинг учун «Қуръон қалби» сурага иккинчи ном бўлиб қолган.

Имом ал-Баззор Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳар бир нарсанинг қалби бор. Қуръоннинг қалби Ўасиндир. Мен уни умматимдан ҳар бир инсоннинг қалбида бўлишини истардим»**, деганлар.

Мазкур ҳадиси шарифлар ва шунга ўхшаш бошқа тарғиб ҳадисларга амал қилароқ, мусулмонлар ичида бу сураи каримани ёдлаш, уни доимо ўқиб юриш кенг одат тусига кирган.

Агар бу амалга суранинг маъноларини англаб етиш ва тадаббур қилиш ҳам қўшилса, айни мурод ҳосил бўлар эди. Зеро, Ўасинни ўқишга бунчалар тарғиб қилувчи ҳадислар бекорга келмаган.

Ўасин сурасининг маъноларини ўрганиб чиққан одам нима учун бу сураи

карима «Қуръоннинг қалби» деб аталгани, нима учун унинг фазли ҳақида ҳадиси шарифлар ворид бўлгани англаб олади.

Сурада мўъжаз калималар билан Аллоҳ таолонинг биру борлиги, ҳар бир нарсага қодирлиги, Пайғамбарлик ва ваҳийнинг ҳақлиги, кишилар Пайғамбар етказган ваҳийни ўзларига дастур қилиб яшамоқлари лозимлиги, ўлгандан кейин қайта тирилиш каби масалалар муолажа этилди.

Булар ҳар бир кишининг қалбида туриши лозим бўлган масалалардир. Ҳар бир киши эртаю кеч эслаб туриши зарур бўлган масалалардир. Ушбу масалаларни ўз ичига олган Йасин сурасини ҳар бир киши иймон билан ўқиса, гуноҳлари мағфират бўлишига лойиқдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Ҳаа мийим Духонни кечаси қироат қилса, тонг отгунча унга етмиш минг фаришта истиғфор айтиб чиқади», дедилар**». Термизий ва Насайй ривоят қилган.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Ҳаа мийим Духонни жума кечаси қироат қилса, уни мағфират қилинади», дедилар**». Термизий ривоят қилган.

Тобаронийнин ривоятида: **«Ким Ҳаа мийим Духонни жума кечаси ёки жума куни қироат қилса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй бино қилади», деганлар**».

Шарҳ: Имконини топган кишилар ушбу ҳадиси шарифларга амал қилиб юрсалар, албатта, катта савобга соҳиб бўладилар.